

---

## Ёшлар етакчилари томонидан мини-футбол мусобоқаси ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 19 январдаги "Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ 92-сон қарорига асосан тумандаги ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинларида "Ёшлар етакчи"си лавозимлари жорий этилиб, ёшларнинг муаммолари билан ишлаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида ҳудудларда тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳудудларга бириктирилган ёшлар етакчилари ўзаро ҳамкорликда маҳалла ёшлари ўртасида турли спорт мусобоқаларини мунтазам ўтказиб келмоқдалар.

Хусусан тумандаги Тошховуз, М.Хасанов ҳамда Дўстлик маҳалла фуқаролар йиғинлари ёшлари ўртасида спортнинг мини-футбол тури бўйича спорт мусобоқаси ўтказилди.

Қизиқарли ўтган баҳсларда ғолиб жамоаларга етакчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

2022-03-14 11:01:40